

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Юлдашбеков Анваржон Алишер ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси магистратура тингловчиси

*“Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан
буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши лозим!”
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев*

Аннотация: *Бугунги кунда ривожланган давлатларда истеъmolчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон фаровонлигини таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади.*

Айнан мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, мақолада истеъmolчи ҳуқуқларини амалга ошириш усул ва воситалари, уларни қўллаш йўллари ҳамда истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тутган ўрни таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *Истеъmolчи, сифати паст товар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш.*

Аннотация: *Сегодня защита прав потребителей и обеспечение благополучия человека является приоритетом в развитых странах.*

Исходя из этого положения, в статье анализируются методы и средства реализации прав потребителей, способы их применения, а также их роль в защите прав потребителей.

Ключевые слова: *Потребитель, некачественный товар, защита прав.*

Abstract. *Today, consumer protection and human well-being is a priority in developed countries. Based on this provision, the article analyzes the methods and means of implementing consumer rights, the ways of their application, as well as their role in protecting consumer rights.*

Keywords: *Consumer, low-quality goods, protection of rights.*

Юртимизда президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хусусан истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида, кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган бўлиб, асосий қомусимизнинг 20-моддасида, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари[1] шартлиги белгилаб қўйилган бўлиб, шу аснода Ўзбекистон Республикасининг

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-сонли Қонуни 1996 йил

26 апрелда қабул қилинган. Қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги мақомидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашдан иборат.

Юқоридаги Қонуннинг 1-моддаси (Асосий тушунчалар)да истеъмолчи — фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) эканлиги белгилаб қўйилган.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 11 сентябрда қабул қилинган ПФ-5817-сонли фармони муҳим аҳамиятга эга. Фармонда бугунги кунда истеъмолчи ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳаси амалиётида амалда бўлган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдириш ҳамда уларни янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлашдир.

Президентимизнинг 2022 йил 20 июньдаги Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтган учрашувда: “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур”, дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Комиссия аъзоларининг бу борада алоҳида еътибор қаратиши керак бўлган жиҳатлар ҳақида гапирар экан, инсон, унинг ҳаёти, еркинлиги, кадр-қиммати, даҳлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини биринчи устувор йўналиш сифатида белгилаб беради.

Бугунги кунда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юзага келаётган асосий муаммолардан бири бу ижтимоий-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда истеъмолчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигидир. Ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг замонавий шароитида истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бозор муносабатлари шароитида энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилганига қарамаздан, ҳанузгача сифати паст

товарларни сотиш, талабга жавоб бермайдиган хизматларни кўрсатиш каби ҳолатлар учрамоқда. Бунинг сабабларидан бири – истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслигидир. Шу сабабли истеъмолчининг ўз ҳуқуқларини билиши ва қонун томонидан унга берилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошира олиши муҳимдир.

Истеъмолчининг ўз ҳуқуқини қонунда белгиланган воситалар ва усуллар орқали амалга ошириш унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади ҳамда ушбу ҳуқуқларни тегишли равишда ҳимоя қилишда кутилган самарани беради. Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга[2].

Юртимизда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида турли чоратadbирлар амалга оширилаётганлигига қарамай, фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари кўпол равишда бузилиши кўп кузатилмоқда.

Шу ўринда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ статистик маълумотларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, биргина 2022 йил ҳисобига истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатлар сони 25644 тани ташкил этган бўлса, уларга етказилган зарар миқдори 75.6 млрд сўмни ташкил қилади. Шунингдек, ҳуқуқлари бузилиши аниқланган истеъмолчилар сони 3 259 111 нафардан иборат[3]. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг

27-моддасига мувофиқ, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарлик масаласи белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунда ҳам озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳам айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши келтириб ўтилади.

Аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлашда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир фуқарода соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон қарори қабул қилинди[4].

Республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва истеъмолчи ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш бир қатор давлат органлари томонидан олиб борилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди[5]. Фуқароларнинг истеъмолчилик ҳуқуқларини амалга оширишлари деганда, уларга қонун ёки шартнома орқали берилган истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари назарда тутилади. Бир сўз билан,

истеъмолчилик ҳуқуқини амалга ошириш – давлатнинг истеъмолчига кафолатлаган юридик эркинликдан амалда фойдаланишидир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар. Бунда истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимояси маъмурий тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади[6].

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш шароитида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ҳар бир соҳада истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ушбу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш масаласи муҳим ҳисобланади.

Ўтказилган ўрганишлар ва истеъмолчилардан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жуда кўп ишларни амалга оширишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, онлайн харидлардаги маҳсулотларнинг сифати билан боғлиқ масалалар, молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларга нотўғри маълумот бериш, тушунарсиз таклиф ва оферталардан фойдаланиш орқали зарар етказиш, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича талабларга амал қилинмагани, реклама истеъмолчиларини чалғитиш ҳамда бошқа шу каби муаммо ва ечимини топишимиз лозим бўлган масалалар мавжуд.

Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш масалаларини тизимли ва таҳлилий ёритишга бағишланган теледастурлар чиқишини кенгайтириш масалаларига аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Бабаев, Ж. (2021). Научно-практический анализ реализации прав потребителей. Актуальные проблемы гуманитарных наук, 1(1), 23–29. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/problems_of_humanities/article/view/3618;
3. consumer.gov.uz;
4. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун. <https://lex.uz/docs/5828750>.
5. <https://consumer.gov.uz/>
6. Райлян А.А. Теоретические основы потребительского права России: цивилистическое исследование: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Казань: 2007. – 24 с.